

УСМАНОВ Маҳаммадсидик Абдуманнонович
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси мудири
mahammadsidiquzman@gmail.com

ИМОМ НАСОЙНИНГ “СУНАН” АСАРИДА НОҲАҚ ҚОН ТЎКИШНИНГ ҚОРАЛАНИШИ

ОСУЖДЕНИЕ НЕСПРАВЕДЛИВОГО КРОВОПРОЛИТИЯ В ТРУДЕ “СУНАН” ИМАМА НАСАИ

CONDEMNATION OF UNJUST BLOODSHED IN THE WORK IMAM NASAI’S “SUNAN”

Аннотация. Ушбу мақолада ислом оламида жуда машхур олти муҳаддисдан бири Имом Насойнинг “Сунан” асари асосида бугунги кунда жуда ҳам оғриқли ва ўрганилиши ўта долзарб бўлган масала “ноҳақ қон тўкишнинг харом қилиниши” ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, унда бу мавзуга доир оят ва ҳадислар атрофлича ёритилади.

Калит сўзлар: хун тўламок, сулҳ, эҳром, “Таъзийм ад-Дамм”, санад, заволга юз тутиш, ас-Синдий.

Аннотация. В данной статье рассказывается о “запрещении несправедливого кровопролития”, очень болезненном и актуальном на сегодняшний день вопросе, основанном на “Сунане” Имама Насаи, одного из шести очень популярных в исламском мире мухаддисов. Она также охватывает аяты и хадисы на эту тему.

Ключевые слова: платить за кровь, примирение, мир, ихрам, «Таъзим ад-дамм», санад, упадок, ас-Синди.

Annotation. In this article, one of the famous six muhaddiths in the Islamic world, Imam Nasai’s “Sunan”, discusses the “prohibition of unjust bloodshed”, which is a very painful and topical issue in this day. It also covers ayat and hadiths on this topic.

Keywords: pay for blood, conciliation, ehram, “Ta’ziym ad-Damm”, sanad, to face disaster, as-Sindi.

КИРИШ

Тарих саҳифаларидан маълумки, Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар ичидан ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган жуда кўплаб алломалар етишиб чиққан. Ислам динининг иккинчи манбаси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборақ ҳадислари, биринчи асосий манба – Қуръони карим оятлари маъно-моҳиятини тўғри англаш, ислом дини таълимотларини тўғри тушуниш борасида асосий ҳал қилувчи манба ҳисобланади. Ҳадис илми борасида машхур олти саҳиҳ тўплам, илм аҳли орасида машхур ва катта аҳамиятга эга. Имом Насой тўплаган ҳадислар ана шу олти саҳиҳ тўпламнинг бири саналади. Уламолар Имом Насойни олти саҳиҳ тўплам муаллифлари ичида учинчи муҳаддис сифатида эътироф этадилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислам дини инсон қадрига жуда катта аҳамият қаратган. Унинг жони ва молига тажовуз қилишга асло йўл қўймайди. Бу масалалар ислом динининг асосий манбаси бўлмиш Қуръон ва ҳадисларда жуда кўп ўринларда акс этган. Жумладан, Нисо сурасининг 92 оятида шундай дейилади: Мўмин (иккинчи бир) мўминни фақат янглишибгина ўлдириб қўйиши мумкин. Кимда-ким мўминни янглишиб ўлдирган бўлса, (унинг зиммасига) бир мўмин қулни озод қилиш ва у (мархум)нинг оиласига – агар кечиб юбормасалар – хун тўлаш (фарздир). Агар (мархум) сизнинг душманингиз қавмидан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Агар у сизлар билан улар ўртасида сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Кимда-ким (қул) топмаса, икки ой муттасил рўза тутиш (билан кифояланади). Бу Аллоҳ томонидан кечирим ўрнидадир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир [1:93].

Шунингдек, Моида сурасининг 95-оятида “Эй, имон келтирганлар! Эҳромда бўла туриб,

овни ўлдирмангиз! Сизлардан кимки уни қасддан ўлдирса, (жазоси) худди (хонаки) хайвон ўлдириш билан баробар жазодир: у (ҳам бўлса) Каъбага (юриб) бора оладиган қурбонлик бўлиб, унга ўзларингиздан икки адолатли киши ҳакамлик қилур ёки (жазоси) каффорат: мискинларни овқатлантириш ёки ўша баробарида рўза тутишдир. (Буларнинг ҳаммаси) қилмишининг уволени тотиб кўриши учундир. Аллоҳ ўтган (ов жиноятлари)ни кечирди. Кимки (яна овга) қайтса, Аллоҳ ундан ўч олур. Аллоҳ қудратли ва интиқом эгасидир” дейилган [1:123].

Оят мазмуни одамнинг жонига қасд қилишга шунчалик қаршики, ким бўлишидан қатъи назар бир одамни ноҳақ ўлдириш гўё барча инсониятни ўлдириш билан баробар гуноҳ деб таъкидлайди.

Ҳадислар борасига тўхталадиган бўлсак, Имом Насойй ўзининг “ас-Сунан” асарида бу мавзуга тегишли саҳиҳ, ишонарли ҳадисларни тўплаб, алоҳида бир бобга жамлаб, уни “таъзийм ад-дам” яъни “қон ҳурматининг буюклиги” деб номлаган ва бу бобга 20 дан ортиқ ишонарли ҳадисни киритган. Шунингдек, бу ҳадисларни қувватловчи Қуръони карим оятларини ҳам жуда ўринли ҳолда келтирган. Ҳадисларни санадлари жуда аниқлик билан баён қилинган.

Масалан, 3987-ҳадиси шарифни олиб кўрайлик. Имом Насойй билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ораларида 6 та ровий келган бўлиб, уларнинг барчалари ишонарли шахслардир, уларнинг номлари киритилиши билан бирга улар машҳур бўлган кунялар, лақаблари ёки бирор тарихий машҳур шахснинг озод қилган қули деган алоҳида белгиларини ҳам иснодлар қаторида ёзиб ўтган.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, бир мўминнинг қатли Аллоҳ таолонинг наздида бутун дунёни заволга юз тутганидан, яъни вайрон бўлиб тугатилишидан кўра ёмонроқдир” [3:248]. Расулulloҳ (с.а.в.) қасам билан бошлаган ҳадислар қасамсиз, таъкидсиз келган ҳадисларга нисбатан муҳимроқ ҳисобланади. Мазкур ҳадис ҳам Аллоҳ номига қасам билан бошланган. Ҳадиснинг мазмунига кўра инсонларнинг яратувчиси Аллоҳ таолонинг бу масалага муносабати ошкора айтилмоқда. Аллоҳ таоло барча мавжудотнинг яратувчиси, уларнинг

ризки ва жамики эҳтиёжларини таъминлаб турувчи ҳар нарсага қодир Зотдир. Дунёда содир бўлаётган барча ишлар Аллоҳ таолонинг нигоҳида у ҳар бир ҳаракату сукунатни билиб туради, бандаларнинг содир этаётган хатти-ҳаракатларидан огоҳдир. Нафақат инсоният, барча мавжудот унинг қузатуви остидадир.

Ҳадисда қайтарилган одам ўлдириш гуноҳи ҳар қандай жамият учун энг оғир гуноҳлардан эканлиги ўзига хос услубда уқтирилмоқда. Ажиб бир ҳолатки, Роббимиз Аллоҳ таоло инсоният вакилидан бир донасини бўлса ҳам ноҳақ ўлдириш гўё барча инсонларни ўлдириш билан баробар демоқда. Дарҳақиқат, бу дунёдаги ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга, унинг жонига тажовуз қилиш асло мумкин эмас. Аллоҳ таоло бу жиноятни жуда ҳам катта гуноҳ санаган, бутун дунё вайрон бўлиб кетишидан ҳам ёмонроқдир дейилган, яъни бир одамни жонига қасд қилиш бу дунёдаги инсонларнинг бошқа барча мавжудот ҳалок бўлишидан ҳам ёмонроқдир деганидир.

Бу ҳадиси шарифга жуда кўплаб муҳаддислар шарҳ ёзганлар, унинг матнидаги “бир мўминнинг қатли” иборасидан келиб чиқиб фақат мўмин одамни қатли назарда тутилган деб ҳулоса қилганлар ҳам бор. Абу Абдурахмон ас-Синдий айнан шу фикрни илгари сурган, аммо уламолар бир неча оят ва ҳадисларга асосланган шаръий далиллар билан унинг талқинини нотўғри эканлигини такидлаганлар.

Жомеъ афаллоҳу анҳу [3:277] дейди: Синдийнинг фикри тўғри эмас, чунки ҳадислардан олинган ҳукмлар оятларга зид бўлмаслиги керак деб, Қуръони каримдан далиллар келтиради: “(Эй, инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйин сундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?!” [1:413] ҳамда У ўз томонидан сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйинсундирди. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир [1:499].

Бу оятларда Аллоҳ таоло осмонлару ер ва барча мавжудотларни барча одам фарзандларига умумий тарзда хизмат қилиши учун яратганлиги тафсирлардан

маълум. Шунингдек, мазкур оятларда хитоб башариятга омматан қилинмоқда. Уларнинг ичидаги фақат мўминларигагина эмас, балки одам зурриётининг барчасига тегишлидир. Шу нуқтаи назардан юқоридаги ҳадиси шарифда одам жонига қасд қилишдан қайтариш ҳукми ҳам башариятнинг барчасини ўз ичига олади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Дарҳақиқат (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик” дейди [1:289]. Унга кўп махлуқотларига бермаган неъматларини ато этди. Ақл, онг, илму маърифат ҳосил қилиш, ўзини таниш имкониятларини берди. Инсонга барча мавжудотларни хизмат қиладиган қилиб қўйди.

Ҳадисда одамлар учун энг муҳим бўлган нарса сифатида келтирилмоқда. Инсонлар наздида дунё ва унинг ичидаги барча неъматлар жуда муҳимдир. Аллоҳ таоло гўё: “Эй инсонлар, сизлар учун энг муҳим бўлган дунё буткул вайрон бўлиб кетиши, мен учун бир инсоннинг ноҳақ ўлдирилишидан осонроқдир” [3:249], демокда. Дарвоқе, Аллоҳ таолонинг Раҳмон ва Раҳим сифатлари ҳам бандаларга айнан шундай муносабатни тақозо этади. Аллоҳ таоло бандаларини азоблаш учун ҳам, уларга зулм қилиш учун ҳам яратган эмас, шунингдек уларнинг ўрталарида ўзаро бир-бирларига зулм қилишларидан ҳам рози бўлмайди.

Баъзан кишига, агар Аллоҳ таоло бандалари тамонидан содир этилаётган бирор ишдан норози бўлса, нима учун уни содир бўлишига йўл қўяди деган нотўғри мулоҳазалар келади, бу каби ҳолатларда аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига мувофиқ, Аллоҳ таолонинг суннатларидан (илоҳий қонунларидан) бўлган муҳим бир тушунчани англашимиз зарурдир. Унга кўра, Аллоҳ таолонинг икки хил иродаси яъни хоҳиши бор, бири кавний қадарий хоҳиш, иккинчиси шаръий диний хоҳиш деб аталади.

Кавний хоҳиши олдида ҳеч бир иш ёки хатти-ҳаракат Унинг хоҳишидан четга чиқа олмайди. Масалан, осмону ерларни ва ундаги барча мавжудотларни қачон ва қандай суратда яратилиши, қачон келиб, қачон кетиши каби масаладир. Шаръий хоҳиши олдида эса Аллоҳ таолонинг ўзи инсонларни ихтиёрли қилди, яъни Аллоҳнинг шаръий хоҳишини хоҳласалар бажарадилар, хоҳламасалар йўқ. Аммо Аллоҳ таоло бандаларнинг хоҳишига

ҳавола этган шаръий хоҳишининг ихтиёрли равишда бажарилиши туфайли берилажак илоҳий инъомларни ҳам, шунингдек, ихтиёрли равишда бажарилмаслиги туфайли берилажак илоҳий интиқомларни ҳам олдиндан баён қилди. Бу мазмундаги оятлар Қуръони карим сураларининг кўп ўринларида таъкидланади, жумладан “Залзала” сурасида: “Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни (ҳам) кўрар” [1:599], дейилган. Шунингдек, “Каҳф” сурасининг 29-оятда: “Айтинг: (Бу Қуръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин” [1:297], дея марҳамат қилинган.

Ҳадиси шарифларда ҳам бу мазмун ўз аксини топган, жумладан: “Аллоҳ таоло дейди: Эй бандаларим, мен зулмни ўзим учун ҳаром қилдим ва сизларнинг ўртангизда ҳам уни ҳаром қилдим, бир бирингларга зулм қилманглар... [2:71]” деб айтилган. Мазкур ҳадиси қудусийдан ҳамда юқоридаги оятлардан ҳам кўриниб турибдики, бандалр ўртасидаги бир-бирларига қилинадиган барча ёмонликлар, айниқса, ноҳақ қон тўкишлар қатъий ҳаром қилинган. Бу илоҳий кўрсатмаларга айрим инсонларнинг амал қилмаётганликлари уларга бу масалада амал қилиш ёки қилмаслик ихтиёри берилганлигидир. Аммо бу ноҳақ қонларни тўкаётган манфурлардан Аллоҳнинг огоҳлиги, вақтинча синаш учун фурсат бериб турганлиги ҳам ёдимиздан чиқмаслиги керак. Қуръони каримда бу ҳақида шундай дейилади: “(Эй, Мухаммад!) Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг! Фақат Аллоҳ уларни (жазолашни) кўзлар (дахшатдан) қотиб қоладиган кунга (қиёматга) қолдирмоқда, холос” [1:260].

Имом Насойй 3993-рақам остида яна бир муҳим ҳадисни ривоят қилади. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Қиёмат куни одамлар ўртасида биринчи ҳисоб-китоб қилинадиган нарса қон тўкиш масаласидир”. “Сунан” асарида бу ҳадис маъносига яқин бир неча ҳадислар ривоят қилинган. Уларда қиёмат куни биринчи бўлиб ҳисоб-китоб топширадиган нарса бу намоздан кейин ноҳақ қон тўкиш масаласидир дейилган. Уламолар намоз Аллоҳ таолонинг ҳақи, шунинг

учун у биринчи сўралади ва шундай улуғ масаладан кейин дарҳол одамларнинг ҳақи сўралади, деганлар. Одамий ҳақларнинг ичида қон ҳақи барча ҳақлардан муҳим бўлгани учун бу масала биринчи бўлиб сўралар экан.

ХУЛОСА

Ноҳақ қон тўкиш жуда ҳам оғир гуноҳ бўлиб, оят ва ҳадисларда қаттиқ огоҳлантирилган. Қиёмат куни ўлдирилган одам ўзининг қотилини қўлидан ушлаб, Аллоҳ таолонинг олдига олиб келар ва “Эй Аллоҳ, мана бу инсон мени дунёда қатл қилган”, дер экан. Шунда қотилдан Аллоҳ таоло: “Сен нима учун бу одамни ўлдиргансан?” деб сўрар экан. Қотил: “Фалончи учун”, деб жавоб берар экан шунда Аллоҳ таоло қотилнинг бўйнига ноҳақ одам ўлдирганлик гуноҳини юклаб қайтарар экан. Ноҳақ одам ўлдиришлик катта гуноҳлардан бўлиб, аввало бу гуноҳга зинҳор яқинлашмаслик лозим. Турли хил сабабларга кўра ким агар бу ишга қўл урган бўлса, вақтида чин тавба қилиб, келтирган зарарини имкон қадар бартараф қилишга уринмаса оқибатда абадий азобга гирифтор бўлади. Аллоҳ таоло бундай манфур ишларга яқинлашишдан ўз паноҳида асрасин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 517 б.
2. Яҳё ибн Шарафиддин ан-Нававий. Шарҳу матни арбаин ан-Нававий. – Димашқ: Дор ал-фатҳ, 1984.
3. Одам ибн Мусо Атюбий Валловий. Заҳират ал-укбо фи шарҳ ал-Мужтабо. – Ж. 31. – Риёд: Дор Ибн Жавзий, 2016.
4. Жалолиддин ас-Суютий. “Сунан ан-Насойй” шарҳи. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995.
5. Шамсуддин Заҳабий. Тазкират ал-хуффо. – Ж. 3. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф ал-усмония, 1958.
6. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Ж. 14. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2006.
7. Ибн Ражаб. Шарҳ илал ат-Термизий. – Ж. 2. – Димашқ: Дор ал-маллаҳ ли-т-тибаа, 2008.
8. Имом Насойй. Ас-Сунан ал-кубро. – Ж. 1. – Байрут: Мавсуат ар-рисола, 2001.

9. Муборакфурий. Мукқадима Тухфа ал-Аҳвазий. – Димашқ: “Дар ал-фикр”, 2015.
10. Ибн Манда. Шурут ал-аймма. – Риёд: Дор ал-муслим, 1995.
11. Шамсиддин Муҳаммад Саховий. Буғя ар-роғиб ал-мутаамний фи хатм ан-Насойй. – Риёд: Мактабат ал-Обийкон, 1993.
12. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ан-Нуқат ала Саҳиҳ ал-Бухорий. – Ж. 1. – Қоҳира: Ал-Мактабат ал-исломия, 2005.
13. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ан-Нуқат ало Нузҳат ан-назар. – Риёд: Дор Ибн Жавзий, 1992.
14. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ан-Нуқат ала китаб ибн ас-Салоҳ. – Мадина: ал-Жомиа ал-исломия, 1984.
15. Ибн Ҳажар Асқалоний. Тақрийб ат-Таҳзийб. – Риёд: Дор ал-осима, 2001.